



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 18 ноябрь, сешанба, №124 (3625).



ЮЛДУЗ ҚҰНГАН ДАЛАЛАР

(2-бетга қаранг).►

>>> Президент

ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР, ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР



**ҚОЗОҒИСТОН ВА
ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТЛАРИ
ДЎСТЛИК ВА
СТРАТЕГИК
ҲАМКОРЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШГА
ДОИР МУҲИМ
КЕЛИШУВЛАРГА
ЭРИШДИЛАР**

Kazinform. Ўзбекистонга давлат ташрифи билан борган Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида қатор учрашувлар ва тадбирлар ўтказилди. Томонлар сиёсий, иқтисодий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб олдилар.

**ҚАРДОШЛИК ВА ЯХШИ
ҚЎШНИЧИЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШ –
ТАШРИФНИНГ БОШ МАҚСАДИ**

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев брифинг чоғида ўзбек халқига кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдирди. Унинг таъкидлашича, икки қардош халқ ўртасидаги тарихий яқинлик ва ўхшаш қадриятлар туфайли ҳамкорлик мисли кўрилмаган суръатларда ривожланмоқда.

– Қозоғистон ва Ўзбекистон – бир-бирига энг яқин, ишончли ҳамкорлар. Муносабатларимиз стратегик ва амалий руҳда жадал ривожланмоқда, – деди Қозоғистон раҳбари.

Томонлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

**ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА –
“ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ
ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ**

Учрашув давомида Президент Шавкат Мирзиёев Қасим-Жўмарт Тўқаевни Ўзбекистоннинг энг олий давлат мукофоти – “Олий Даражали Дўстлик” ордени билан тақдирлади.

Давлат раҳбари буни Қозоғистон халқининг тинчлик, дўстлик ва ҳурмат қадриятларига берилган юксак баҳо сифатида қабул қилди.

**1,2 МИЛЛАРД ДОЛЛАРЛИК
ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР
ИШГА ТУШИРИЛДИ**

Президентлар видеоалоқа орқали қатор қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш маросимида иштирок этидилар. Уларнинг умумий қиймати 1,2 миллиард долларни ташкил этади.

Иш бошлаган йирик иншоотлар қуйидагилар:

- Сирдарё – Туркистон ҳудудларидаги “Марказий Осиё” саноат ҳамкорлик маркази
- Тошкентда “Tenge Bank” бош идораси
- Тошкент вилоятида логистика маркази
- Янги Тошкентда “Астана” уй-жой мавзеси
- Қашқадарёда нефть-газ кимё мажмуаси

**СУВ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
БЎЙИЧА ЯНГИ ТАШАБУСЛАР**

Икки давлат раҳбарлари трансчегаравий сув захираларидан оқилона фойдаланиш масаласида ҳам фикр алмашди. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳукуматларга сув-энергетика соҳасидаги сиёсатни уйғунлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни таклиф этди.

**САРМОЯЛАР ВА САНОАТ
КООПЕРАЦИЯСИ –
ҲАМКОРЛИКНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ**

Бугунги кунда умумий қиймати 1,7 миллиард долларлик 78та қўшма лойиҳа амалга оширилаётгани қайд этилди. Ушбу лойиҳалар доирасида 15 мингдан зиёд иш ўрнини яратиш режалаштирилган.

Қозоғистон Президенти мамлакатининг Ўзбекистонга сармоя киришига тайёрлигини маълум қилди ва бизнесни қўллаб-қувватлаш доирасини кенгайтиришга қаққирди.

**ИСЛОМ ТАМАДДУНИ
МАРКАЗИГА ТАШРИФ**

Ташриф доирасида Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари Тошкентдаги Ислон тамаддуни марказида бўлиб, минтақа тарихий меросини ўрганишга қаратилган ташаббуслар билан танишдилар.

ПРЕЗИДЕНТЛАР ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАДИЛАР?

Kazinform. Президентлар музокаралар ҳамда Қозоғистон ва Ўзбекистон Олий Давлатлараро Кенгашининг иккинчи мажлиси якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилишди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Шавкат Мирзиёев қуйидаги ҳужжатларни имзоладилар:

1. Олий давлатлараро кенгашнинг Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари раҳбарлари кенгашини тузиш тўғрисидаги қарори;

2. Олий давлатлараро кенгашнинг геология ва нодир металлларни қазиб олиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги қарори;

3. Олий давлатлараро кенгашнинг чегаралараро дарёларнинг сув сатҳини башорат қилиш бўйича икки томонлама ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги қарори.

4. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида чегара ҳудудларида Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролик эр усти радио хизматлари томонидан фойдаланиладиган радиочастота ҳуқуқларини мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим;

5. Қозоғистон Республикаси Ҳу-

кумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида қўшма ҳарбий машқлар ўтказиш тўғрисидаги битим;

6. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида трансчегаравий сув ҳавзаларини биргаликда бошқариш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги битим;

7. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси божхона хизматлари ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги битим;

8. Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

9. Қозоғистон Республикаси Саноат ва қурилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Кончиллик ва геология вазирлиги ўртасида кончиллик саноатида ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича ўзаро англашув меморандуми;

10. Қўшма сармоявий дастурларни яратиш тўғрисидаги доиравий битим;

11. Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида радиожарроҳлик даволаш технологиясидан фойдаланган ҳолда ихтисослаштирилган тиб-

бий ёрдам кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

12. Қозоғистон Республикасининг «Ижтимоий тиббий сугурта жамғармаси» нотижорат ҳиссадорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат тиббий сугурта жамғармаси ўртасида давлат ва мажбурий ижтимоий тиббий сугурта соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

13. Қозоғистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг Туризм саноати қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Туризм қўмитаси ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

14. Астана шаҳар ҳокимияти ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

15. «ҚазМўнайГаз» ва «Ўзбекнефтегаз» ўртасида нефть-кимё соҳасидаги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан битим;

16. «ҚазМўнайГаз» ва «Ўзбекнефтегаз» ўртасида қидирув лойиҳаси тамоийллари тўғрисидаги битим;

17. «Ассамблея жастары» республика жамоат бирлашмаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўртасида ҳамкорлик меморандуми.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ГЕОСИЁСИЙ МУВОЗАНАТ: ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ МИНТАҚА КЕЛАЖАГИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?

Марказий Осиёда бугунги геосиёсий жараёнларни Қозоғистон ва Ўзбекистон сиз тасаввур этиб бўлмайди. Икки қардош давлат сиёсий барқарорлик, иқтисодий салоҳият ва демографик кўлам жиҳатидан минтақанинг асосий таянчи саналади. Улар ўртасидаги муносабатлар бутун Марказий Осиёнинг геостратегик келажагини белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда.

Совет давридан қолган маъмурий яқинликдан фарқли ўлароқ, мустақилликдан кейин Қозоғистон – Ўзбекистон муносабатлари янги мазмун касб этди. Тарих, дин, урф-одат, тил ва маданий яқинлик икки давлат алоқаларини узок муддатли истиқболга мос “мустаҳкам пойдеворли ҳамкорлик” даражасига олиб чиқди.

1992 йилдан буён дипломатик алоқалар изчил равишда кенгайиб борди. “Абадий дўстлик тўғрисида”, “Стратегик шериклик тўғрисида” ва “Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида”ги шартномалар бу жараённинг тузилмавий асосини мустаҳкамлади. Минтақадаги барқарорлик айнан шу сиёсий ишончга таянади.

Мутахассислар, жумладан, сиёсатшунос Равшан Назаров таъкидлаганидек, икки давлат иқтисодий ҳамкорлиги сўнгги беш йилда янги босқичга кўтарилди. 2027 йилда чегарада 100 гектарлик қўшма саноат ҳудудининг очилиши кутилмоқда. Мазкур лойиҳа саноат кооперациясини чуқурлаштириш билан бирга, минтақавий рақобатни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Қозоғистоннинг транзит салоҳияти ва Ўзбекистоннинг саноатлашув суръати бир-бирини тўлдириб, мувозанатли тараққиётни таъминламоқда. 2024 йилда Қозоғистонга 17,2 млрд доллар, Ўзбекистонга эса 11,9 млрд доллар миқдорда бевосита сармоя жалб этилди. Қозоғистоннинг Ўзбекистонга экспорти 2,5 млрд долларга етди. Асосий товарлар – ғалла, ёқилғи маҳсулотлари, темир, кунгабоқар ёғи. Ўзбекистондан эса ўғитлар, цемент, мева-сабзавотлар етказиб берилмоқда. Аҳамиятли жиҳат шундаки, илк бор электр энергияси импорти қайд этилди. Бу энергетика интеграциясида янги даврни бошлаб бериши мумкин.

ҚР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Амалий тадқиқотлар институти директори ўринбо-

сари Айгерим Бахтиярова таъкидлаганидек, ижодий иқтисодиёт ҳали тўла очилмаган катта захира ҳисобланади. Марказий Осиёда кино, мусиқа, реклама ва IT-хизматлар жадал ривожланмоқда. Агар Қозоғистон ва Ўзбекистон бу соҳада қўшма лойиҳаларни йўлга қўйса, минтақа жаҳоннинг маданий ва рақамли бозорларига мустақил чиқиш имкониятига эга бўлади. Аиникиса, IT йўналишида улкан имкониятлар мавжуд.

Сўнгги йилларда Қозоғистонда ўзбек капиталининг иштироки кучайди. 2024 йилда 4595та, жорий йилда эса 7190та ўзбек компанияси фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда эса 876та Қозоғистон корхонаси ишлапти. Яқинда икки давлат ўртасида 70 миллион долларлик экспорт шартномаси имзоланди.

Президент Қ. Тўқаевнинг Тошкентга ташрифи чоғида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг VII маслаҳат учрашуви ўтказилди. Бу мулоқот майдони минтақанинг энг кучли сиёсий платформаларидан бирига айланган. Ўтган йил август ойида Астанада “Марказий Осиё – 2040” тараққиёт концепцияси қабул қилинди ва Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ўзаро савдо айланмасини 15 млрд долларга етказиш таклифи билан чиқди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон интеграцияни чуқурлаштириш баробарида, геоиқтисодий дастурларни ҳам биргаликда амалга оширмоқда. Ташқи сармояларни жалб қилишда бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани, энг муҳими – минтақани барқарор иқтисодий марказга айлантиришга интилаётгани бу ҳамкорликнинг стратегик аҳамиятини янада оширмоқда.

Шу боис, келажақда Марказий Осиёнинг геосиёсий мувозанати айнан Қозоғистон – Ўзбекистон ўқи атрофида шаклланиши табиий ва муқаррар.

А. АБДУФАТТОҲ.

>>> Акс-садо

СЎЗ – БАРИБИР МУҚАДДАСДИР..

Мен – газетанинг ҳар бир сонини орзиқиб кутадиган, саҳифадаги ҳар бир сўзни Ватанимнинг нафаси деб биладиган оддий бир муштарийман. Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда тарқалган манзара – Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг сурати акс эттирилган газетанинг ёқилгани дилимни оғритди. Бу шунчаки қогоз эмас-ку! Унда мамлакатимизнинг овози, халқимизнинг қалби, Давлат раҳбарининг сурати бор эди.

Газетани ёқиш – бу фикр билдиришми ёки маданиятдан воз кечишми? Ёки фаросатдан узоқлашишми?

Газета – бу ҳар бир кунимизнинг солномасидир. Газета чоп этиш осон деб ўйлашди, аммо унинг ортида қанча меҳнат, қанча масъулият, қанча жонқуярлик мавжудлигини фақат ана шу иш билан кундалик машғул бўлганлар билади.

Мен танқидга қарши эмасман – танқид бўлсин, фикр ортидан фикр келсин. Лекин танқид сўз билан бўлади, олов билан эмас. Газетани ёндириш – маданиятсизликнинг белгисидир.

Газета – халқники. Уни намойишкорона ёндириш, ўртамоқ – бутун халқни ҳақорат қилиш билан баробар.

Тахририятнинг расмий баёноти тўғри айтилди: сўз – энг кучли қурол. Биз ўша қуролни ҳимоя қилишимиз, қадрлашимиз керак. Газетани юксалтириш – юртнинг руҳини юксалтиришдир.

Шунинг учун мен, оддий газетхон, барча журналистлар, муҳаррирлар ва мухбирларга бир сўз айтаман: Сизнинг меҳнатингиз барибир қадри. Сиз ёритаётган ҳақиқатлар ўтда ёнмайди.

Абдуғани БОБОЕВ,
меҳнат фахрийси.

»»Туркистонда жаҳон санъати юлдузлари бош қўшди

«ҚОЗОҚ РОМАНСИАДАСИ» ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Вилоят ҳокимлиги ҳамда славян этномаданият бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Қозоқ романсиадаси" йигирма еттинчи марта мухлисларини хушнуд этди. Илк бор Хитой давлати вакили ҳам саҳнага чиқди.



Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев анжуман иштирокчиларини муборакбод этиб, москвалик бош ҳакам, Россияда хизмат кўрсатган артист Галина Приображенская раҳбарлигида Астана, Алмати, Душанбе, Тошкент, Шимкент ва яна ўнлаб шаҳарлардан келган, энг жажжи иштирокчиси етти ёшдаги санъаткорларга ҳам омад тилади. Халқаро романсиада аввалида Марказий Осиё давлатлари вакиллари иштирокида болалар романсиадаси ҳам юксак савияда ўтди.

Ўзбекистонлик иштирокчилар – Ҳасанбой Йўлчи, Асомиддин Исомиддинов, Аҳрорбек Абдуқаҳҳоров, Зебо Фарҳодова, Исломжон Таштиллаев, Нарғиза Абдухоликовалар

биринчи учликдаги совринли ўринларни эгаллашди. Биринчи уринни хитойлик А. Ширази, астаналик Д. Исраилов ва алматилик Е. Диана эгаллашди. Романсиада маҳоратини талабаларга ўргатадиган тажрибали устоз-профессорлар Талғат Мусабаев (Алмати), Авазхон Ражабов (Тошкент), Нурилло Исаев (Душанбе), Борис Дьяков (Москва) Туркистон саҳнасида биринчи марта биргаликда ўз санъатларини намойиш этишганида томошабинлар гулдурос қарсақлар билан олқишлади.

"Южный Казахстан" газетаси ҳамда славян этномаданият бирлашмаси раҳбари Марина Лимаренко барча ҳомий ва қўловчиларга самимий миннатдорчилигини билдирди.

Таъкидлаш жоиз, туркистонлик ҳимматли тadbirkor Мирзобек Баҳодир ўгли раҳбарлик қилаётган "Карвонсарой" МЧБнинг моҳир ошпазлари олисдан

келган санъаткорларни мазали палов билан меҳмон қилдилар. Гала концертда фахрий томошабинлар сафида вилоят ва шаҳар ЎЗМБ вакиллари ҳам фаол иштирок этишди.

Келажақда ҚР "Дўстлик" ҳам-жамияти ҳамда вилоят ЎЗМБ бошқаруви ҳам мана шундай нуфузли, халқаро санъат танловларини ташкил этишса, нур устига нур. Туркистон шаҳар ЎЗМБ ташаббуси билан аския танлови вилоят, сўнгра халқаро миқёсда юксак савияда ўтганлиги шонли тарих.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев халқаро романсиада иштирокчиларини муборакбод этмоқда; халқаро санъат анжумани иштирокчилари.

Муаллиф тасвирлари.



»» Президент Мактуби – амал дастури

ТУРКИСТОН – ЯНГИЛАНАЁТГАН САЙЁҲЛИК МАРКАЗИ



Бугунги кунда Туркистон иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишда улкан имкониятларга эга минтақалардан бирига айланмоқда. Президентнинг сайёҳликини ривожлантиришга бағишланган йиғилишда билдирган фикрлари эса бу соҳанинг келажагини белгилаб берди.

Иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида минтақамизда ушбу соҳани ривожлантиришга "Туркистон" ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияси ХҲЖ ҳам бел боғлаган.

Бугунги кунда 2011 йилдан буён фаолият юритаётган корпорация ташаббускорлигидаги лойиҳалар аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодий истиқболларни юксалтиришни мақсад тутган. Туркистон вилояти тарихий ва маданий иншоотларга бой ўлка. Ўз навбатида минтақада сайёҳлик соҳасининг 3 тури самарали ривожланмоқда:

- Туркистон шаҳри ва Сайрам, Байдибек, Ўтрор туманларида тарихий-маданий;
- Саригоҳ сихатгоҳи ҳудудида даволашиш-соғломлаштириш;
- Тулкибош, Тўлебий туманларида экологик ва тоғ-чағли туризми.

Вилоятда 1200дан зиёд тарихий-маданий ёдгорликлар, 168та меҳмонхона, 51та сихатгоҳ, 60та дам олиш базаси хизмат кўрсатмоқда.

Соҳани ривожлантириш 3 йўналишда юритилмоқда: минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини маркетинг шаклида ривожлантириш, сайёҳлик иншоотларидаги инфратузилмани тараққий эттириш ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш.

Тўлебий туманида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг қишки спорт турлари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилма яратиш, спортчиларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва чанги базаларига кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш мақсадида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Туманда соҳани янада ривожлантириш мақсадида меҳмон уйлари барпо этилмоқда. Бу ишлар доирасида сайёҳлик маҳсулотларини хориж бозорларига чиқариш, янги сайёҳлик йўналишлари очиш, туристик хизматлар сифатини янада яхшилаш кўзда тутилмоқда. Ақсу-Жабағли Миллий боғига ташрифлар бўйича дастурлар тайёрлаш, Қасқасу қишлоғи ҳудудида тоғчанги базаси ва осма йўл бунёд этиш режалаштирилмоқда. Алатау қишлоғидаги осма йўлнинг имкониятини ошириш ҳам кўзда тутилган. Шу пайтгача қиш мавсумида 2-2,5 мингдан зиёд дам олувчи келган бўлса, лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, ташриф буюрувчилар сони 3 баравар ортиши кутилмоқда.

«Сайрам-Ўғам» давлат миллий табиий

боғи ҳудудида ҳозир 10та сайёҳлик йўналиши ташкил этилган. Барча йўналишларнинг харитаси ҳозирланиб, уларда сўқмоқларнинг чизма хариталари, суратлар ҳамда маълумотлар берилган. Сайёҳлик йўналишларнинг умумий узунлиги 701 чакирим, шундан 252 чакирими – пиёда, 263 чакирими отда-пиёда ҳамда 186 чакирими автомобилда босиб ўтилади. Барча йўналишлар сайр қилиш, танишиш ҳамда спорт ва соғломлаштиришга мўлжалланган. Шунингдек, дам олувчиларга бта дам олиш уйи, 2та ўтов ҳамда бта ҳаммом тақдим этилади. Ушбу йўналишларда халқ орасида афсонага айланган "Қирқ қиз" қояси, Мақпал, Сусинген қўллари, Дау баба авлиё ва бошқа тарихий-маданий жойлар бисёр. Тўлебий филиали ҳудудидаги Сазаната ўзани ёқасидаги қояларда петроглифлар учрайди.

Сўнгги йилларда Ўғам дарасида А. Марғулан номидаги археология институти олимлари ва археологлари қазилма ишларини олиб боришмоқда.

Миллий богда экологик туризмни янада ривожлантириш мақсадида келгусида қўшимча йўналишлар очиш, сайёҳлар учун отлар сонини кўпайтириш, қишки туризмни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бундай тадбирлар «Сайрам-Ўғам» давлат миллий боғининг сайёҳлик салоҳиятини ошириши шубҳасиз.

Бу масала вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев раислигида ўтган мажлисда муҳокама қилинди. Ертай Кенжебекули ўз нутқида минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш юзасидан ишлар янада кучайтирилиши зарурлигини таъкидлади.

– Вилоятдаги тарихий-маданий ёдгорликлар ва зйёратгоҳларнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, ижодий лойиҳалар, халқаро даражадаги маданий ва спорт тадбирларини ўтказишни кўриб чиқиб, таклифлар киритинг. Яқин кунларда Туркистонда халқаро талабларга жавоб берувчи отчопар ишга туширилади. Бу минтақа учун беқийёс имконият, – деди у.

Вилоятда ўтган йилга нисбатан ушбу соҳада ижобий юксалиш кузатилмоқда. Жорий йилда сайёҳлар сони 830,1 минг нафарга етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (733,2 минг нафар) 13,2 фоиз кўпдир.

А. АБДУФАТТОХ.



ЁШЛАР СИЁСАТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат сафари доирасида "Ассамблея ёшлари" ва Ўзбекистон Республикасининг Ёшлар ишлари агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Тошкент шаҳрида хужжатга Қозоғистон халқи Ассамблеясининг "Ассамблея ёшлари" ёшлар қаноти раиси Тимур Жумурбаев ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев қўл қўйди. Хужжатларни алмашиш расмий тадбири Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида ўтди.

Меморандум ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, таълим ва маданий алоқаларни кенгайтириш орқали ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган.

Режаланган тадбирлар доирасида ҳамкор ташкилотлар ўртасидаги лойиҳалар муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳаларнинг ҳаракатлантирувчи кучи Қозоғистондаги этномаданият бирлашмаларининг ёшлари бўлади.

"Ассамблея ёшлари" бошқа мамлакат ёшлари билан халқаро даражадаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Ўтган йили Тожикистон Ёшлар уюшмаси билан ҳам худди шундай шартнома тузилган.

ЮЛДУЗ ҚЎНГАН ДАЛАЛАР

Тўлебий тумани – чўпонлар юрти. Бу туман ўзининг узоқ йиллар давомида шакланган аънаналари, меҳнатга таянадиган пойдевори ва тартиб-қоидаларга айланган ҳаёт тарзи билан бошқа худудлардан ажралиб туради. Собиқ Иттифоқ даврида бу ердан ўнлаб Социалистик меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиққан. Даврлар ўтиб, уларнинг исмлари ўзармоқда, холос.

Узун қиш тунларида, қор-ёмғир, изғирин шамоллара ҳам иши тўхтамайди чўпонлар ҳам худди осмондаги юлдузлар каби ўз йўлини ёритади.

Шу "юлдуз қўнган далалар"нинг ҳақиқий соҳибларидан бири, фидойи чўпон – Нурбўл Аманжўлов. Кўксаёқ қишлоқ округи, Қозоғистон қишлоғида туғилиб ўсган, болалигида ноқ чорванинг тилини, меҳнатнинг бахтини англаб ўсган йигит. Бошқалар каби у ҳам оддий қишлоқ боласи эди, қалбида эртаданок бир ният ётарди: "Отам-онамнинг изидан бораман, хўжаликни янада ривожлантираман".

Унинг орзуси ушалди. Мактабни тамомлаб, чорвачилик соҳасида меҳнат қилди. 2002 йилда "Жомарт" деҳқон хўжалигини ташкил этиб, оилавий пудрат асосида иш бошлади. Бутун кучи, умиди, фикрини чорвачиликка бағишлади. Бугунги кунда "Жомарт" юқори самара берувчи чорва хўжалигига айланган. Хўжаликда 2000 бош қўй-эчки, 50 бош зотдор от, 100 бош қорамол, парваршиланади.

Ҳар йили 120-130 тонна гўшт етиштирилади. Асосий маҳсулот – қўй гўшти. Бевосита хўжаликнинг ўзида 6 киши доимий иш билан, 25га яқин одам мавсумий иш билан таъминланган. Улар учун Нурбўл ҳам иш берувчи, устоз, ҳаётдан ўрин топишга кўмаклашувчи одам.

– Мақсадим – наслдор чорвачиликни ривожлантириш, мол бошини кўпайтириш, бозорни сифатли гўшт билан таъминлаш, – дейди у.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев томонидан у "Ерен еңбегі үшін" медали билан тақдирланганида хаёлидан бир фикр ўтди.

– Давлатимиз раҳбарининг сўзларини доим эътибор билан тинглайман, – дейди Нурбўл қўнгли жўшиб. – Ҳар бир гапининг мағзини қақишга ҳаракат қиламан. Қишлоқ хўжалик ҳодимларининг биринчи форумида айтган ҳикматли сўзлари ҳамон ёдимда. Чорвачилик фақат мол боқиш эмаслигини



айтганларида, мен бу фикрнинг юкени дарҳол ҳис қилганман. Илм, технология, бозор, рақобат – барчаси чорвачиликда ҳам бўлиши шарт. Ниҳоят, ўша кунлар келди, – дейди Нурбўл.

Нурбўлнинг ютуғи нимада? Қўп йиллик тажриба ва оилавий пудратнинг тўғри йўлга қўйилгани – муваффақият формуласидир. Бошқалар 2-3 йилда боқиб оладиган вазни у бир ярим йилда қўлга қиритмоқда. Озуқадан катта маблаг тежалади. Сигирлари ҳар йили узлуксиз бузюклаётгани эса чорва бошини тез оширишда катта афзаллик.

– Бозор – рақобат майдони. Лекин у, аввало, нархни мўътадил сақлашга хизмат қиладиган муқаддас маскан. Сифат бор жойда нарх ҳам ўз ўрнини топади, – дейди у.

Бир сўз билан айтганда, чорвадор фидойи меҳнат, интилиш, изланиш ва удабурроликнинг ширин неъматларини татияпти, ундан бу ерда ҳалол ишлаётган неча ўнлаб кишилар ва уларнинг оилалари ҳам баҳраманд бўлмоқда. Бу билан чорвадор яратган ноз-неъматларни ўзи ва хўжалик жамоаси ўртасида адолатли тақсимламоқда. Уларнинг қорнини тўқ, эгнини бут қилиш учун яра-лаётган бойликларининг бир қисми кифоя. Ҳамма гап – эртанги истиқбол учун пойдевор ва заҳира яратишда. Бозор шунинг учун керак.

Иш биланга – бир, одамийликни билганга эса – минг тилло экан. Нурбўл ҳаёти ва фаолиятида ана шунга амал қилди. Эндиликда ўзи орзу қилган доприломон кунларга етишмоқда, муроди ҳосил бўлмоқда.

Чиндан ҳам шундай: инсонга ўзи истаган давлати, риқ-рўзи ва обрў-эътиборини ҳалол меҳнатдан бошқа ҳеч нарса беролмайди.

А. БҲРОНБОВ.

»» Туркистон

ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ АҲОЛИ БИЛАН УЧРАШУВИ



Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекули аҳоли билан учрашиб, бажарилган ишлар хусусида баён этиб, саволларга жавоб берди.

Ҳабибулла Маннопов раҳбарлик қилаётган “Бирлик” шўъбаси турғунлари билан учрашув Эргаш Иззатуллаев номли мактабда ўтди. Шаҳар ҳокими май ойидаги учрашув чоғида аҳолидан тушган таклиф, саволлар асосида амалга оширилган ишлар хусусида тўхталди. Илгари собиқ Туркистон тумани “Победа” колхозининг бўлими бўлган,

яна бир автокўлик сиғадиган этиб, кенгайтириш таклифини айтди. С. Бейбарис кўчаси турғунларининг ёруғлик, тозалик, ободончилик ҳақидаги таклифлари ҳам тингланди. Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари, ушбу ҳудуднинг собиқ раҳбари Тойир Абдувалиев шаҳар ҳокимига бажарилган ишлар учун аҳоли номидан миннатдорчилик билдирди.

Сабит Амирхан раҳбарлик қилаётган Ясси шўъбаси турғунлари билан шаҳар ҳокимининг учрашуви Ҳамза номли мактабда ўтди. Ҳоким А. Па-

туркистон шаҳри ҳокимлигига аҳоли номидан миннатдорчилик билдирди ҳамда Ҳамза номли мактаб ихтиёрига бугунда бекор турган кўшни спорт биносини бериш хусусидаги ёзма таклифини ҳокимга топширди. Шаҳар ҳокими ушбу масалани теран ўрганиб, сўнгра жавоб берилишини маълум қилди.

Ҳар иккала маскан йиғилиши поёнида нуруний отахонлар кўлларини дуога очиб, элга омонлик, юртга фаровонлик, ёшларга саодат, шаҳар ҳокими фаолиятига омад тилади.



зилбекули электр таъминоти, канализация, автобус қатнови, бекатлар қурилиши ҳақида тўхталди. Жамоат кўлиги хизмати кўламини кенгайтириш учун йўловчилар қулайлиги мақсадида 34 янги бекат барпо этилди. (шаҳарда 683 бекат бор). “Жолаушы” ЖШСга яна 33 янги автобус келтирилди. Кўчаларга 80 км асфальт тўшаш режаси 66,2 км бажарилди. Йил якунига қадар режа удалланади. Ёруғлик, канализация, асфальт босиш борасида улкан лойиҳалар яқин муддатда тўлиқ амалга оширилади.

Р. Исетов номли мактаб директори ўринбосари Абдуғалпоров Маҳамбобовнинг таклифини ҳоким ёзиб олди. Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари, Туркистон шаҳар УЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Тўлқин Саидмуродов санокли йилларда ободончилик, кўкаламзорлаштириш, ривожланиш бобида улкан тараққиётга эришган



20 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган шўъба санокли йиллар ичида вилоят маркази макомига эга шаҳарнинг кичик тумани даражасига эришувида давлатимизнинг ғамхўрлиги бекиёс. Иккита умумтаълим мактаби, болалар боғчалари, 12 ўйин майдончалари бунёд этилди. 179 кўчанин 96 фоизи ёруғлик билан тўлиқ таъминланган. Фаоллардан Холмирза Исетов “Жайна” тўйхонаси ёнидаги тошйўл чорраҳасини



Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Шаҳар ҳокими А. Пазилбекулининг “Бирлик” ва “Ясси” шўъбаларидаги аҳоли билан учрашуви онлари.

Муаллиф суратга олган.

ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ДУРУ ГАВҲАРИ



Оила – ҳақиқий маънавият ўчоғи ҳисобланади. Энг қимматли анъаналар – иймон, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат ва бошқа олижаноб инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади.

Ота-онанин ғарзанд олдидаги бурчи ниҳоятда улкан ва масъулиятлидир. Шу маънода, яхши инсон олган тарбияси билан камолга етади, илмми-маърифатли бўлади, ҳалол ҳаёт кечирши учун касб-ҳунар эгаллайди. Касби орқали даромад топади. Яхши тарбия кўрган ғарзанддан ҳамма рози бўлади. Тарбия кўрмаган ғарзанд энг аввало ўзига жабр қиладди. Нима

яхши, ёмонлик нима эканини ажрата олмаган одам ёмон йўлга кириб, ҳаётини машаққатга айлантириб қўяди.

Аждодларимиз ғарзанд тарбиясини энг устувор вазифалардан бири деб билганлар. Миллий қадриятлар ва умуминсоний фазилатлар талабига мос руҳда тарбияланган ғарзанд нафақат ота-она, балки бутун шажаранин ғам обрўсини юксалтирган.

Оиладаги маънавий-ахлоқий тарбия, аввало, ота-оналар ва оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари орқали сингдирилади. Оиладаги ҳурмат-иззат, хушмуомалалик, меҳр-оқибат ва эзгуликка йўналтирилган юксак фазилатлар жуда юксак аҳамиятга эга. Баркамол шахсини тарбиялашда маънавий-ахлоқий тарбия жараёнини тўғри йўлга қўйиш анча мураккаб. Чунки шахс маънавияти, унинг дунёқараши ва эътиқоди асосан, оилада шаклланади. Оила ва унинг асрлар давомида

сақланиб келаётган муқаддас анъаналари ёшларда иймон, масъулият, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва меҳнатсеварлик каби сифатларни қарор топтиради.

Минг афсуски, жамиятимизда ажрашишлар сони ортиб борапти. Биргина қоғоз билан оилалар пароканда бўлмоқда. Лекин болалар-чи? Тирик етимларнинг тақдири – фожиадир.

Оилани жамиятнинг гавҳари, деб улуғлаймиз. Уйимиздаги дур-гавҳарларни ардоқлаб асраймиз, аммо оиланичи?

Шу саволни ҳар биримиз ўзимизга бериб, жавобини виждонан айтилик. Балки ниҳодан ажратиш ҳақида ариза ёзишдан аввал етти ўйлаб, бир кесармиз...

Г. ДИХАНБАЕВА,
Тўлебий тумани ҳокими қошидаги она ва бола масалалари бўйича комиссия раиси.

»» Обуначиларимиз орасида



ШОИРЛАРГА ЭҲТИРОМ

Туркистон шаҳридаги Талғат Бигелдинов номли 16-сонли умумтаълим мактабида “Шоирларга эҳтиром” номли адабий-бадий кеча юксак савияда ўтди.

Мактаб маъмурияти ва ўзбек тили ҳамда адабиёт фанлари метод бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирнинг асосий мақсади – ёш авлодда бадий сўз, шеър, миллий қадриятга бўлган муҳаббатни ошириш, қалам аҳлига ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш ҳамда маънавий дунёқарашни бойитишдан иборат.

Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Бибиғул Амирбекова кириш нутқида:

– Шоир – халқнинг қалб овозидир. Унинг қаламидан чиққан ҳар бир мисра элнинг орзуси,

руҳи ва юксак туйғуларини акс эттиради. Бугунги тадбир – ана шу сўз сардорларига бўлган эҳтиромимиз ифодасидир, – деб таъкидлади.

Ўқувчилар сеvimли шоирлар шеърларини ўқиб, сахна кўринишлари ва миллий рақслар ижро этишди. Тадбирда Мубина Йўлдош, Орифжон Отахонов, Дона Халмурза, Умида Орифжоновна, Рамазон Салханов, Элмира Салимова, Юсуф Асанов, Рамазон Зайитов, Элёр Каримжонов, Элбек Бахромов, Роза Фозилова, Розия Нуржанова, Дилноза Салханова, Чарос Худойбергенова, Давлат Тўрахонов, Эъзоза Фозилова ҳамда Робия, Зилола, Ойша, Шоҳсултон исмли ўқувчилар фаол иштирок этдилар.

Улар Алишер Навоий, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Хуршид Даврон каби адабларнинг шеърларини

ҳаяжонли ҳиссиёт билан ижро этдилар.

Фаол ўқувчилар ҳамда тадбирни ташкил этган устозлар Тожиҳон Маменова ва каминана мактаб маъмурияти томонидан ташаккурнома ҳамда совғалар тўхфа қилинди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни она тилимизда давлат сиёсатини тарғиб этаётган 35 ёш арафасидаги қадрдон “Жанубий Қозоғистон” нашрига обунага фаол иштирок этишга даъват қиламан.

Ойхон АЗИМОВА,
Талғат Бигелдинов номли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Тасвирда: тадбир иштирокчилари.

ДЎСТЛИК – ҲАЁТНИНГ МАЗМУНИ

Ҳар бир инсон ҳаётида ҳақиқий яқин инсоннинг аҳамиятини ҳис қилиши керак. Чин дўст – бу нафақат бирга вақт ўтказадиган ҳамкасб ёки синфдош, балки оғир пайтларда сизни қўллаб-қувватлайдиган, қалбингизни тушуниши мумкин бўлган инсондир. У хурсандчилик ва қайғули кунларингизда ҳам доим сиз билан бирга бўлади, ҳурмат қиладди ва маслаҳатини аямайди.

Ҳаётда турли одамлар билан учрашамиз, аммо ҳақиқий дўстни топиш осон эмас. Айримлар фақат ўз фойдасини кўлаб дўст бўлиши мумкин, баъзилари эса ҳақиқий самимият билан муносабат куради. Шунинг учун дўстни танлашда эҳтиёткор ва диққатли бўлиш керак.

Бундай муносабатда энг муҳим жиҳатлардан бири – ишончдир. Агар сиз кимнидир ишончли

деб билсангиз, у ҳам сизга шундай муносабатда бўлади. Ишончсизлик ва сохта муносабатлар доимо муаммоларни юзага келтиради, шунинг учун дўстликда очиқ ва самимий бўлиш муҳимдир.

Дўстлик ва садоқат тушунчалари бир-бирига маънодош ва бир-бирига чамбарчас боғлиқ туйғулардир. Тўғрироғи, садоқат – бу ҳақиқий дўстликнинг белгиси. Содиқ дўст деган сўз ҳам шундан келиб чиққан. Садоқат, дўстлик – киши учун насиб қилиши мумкин бўлган неъматларнинг энг улуғларидан бири, десак хато қилмаган бўламиз. Бу неъматни фақат ҳақиқий дўсти бор одамгина тўлақонли ҳис қила олади.

Салтанат НАЗАРМАТОВА,
Е. Юсупов номли 104-сонли мактабнинг 8-“Г” синф ўқувчиси.

МАСЪУЛИЯТ БОЛАЛИКДАН ШАКЛЛАНАДИ

Мактабимизда “Интизом ва қонун – порлоқ келажак асоси” мавзуида семинарлар сурати ўтказилди. Тадбирдан кўзланган мақсад – ўқувчиларга мактабдаги ички тартиб-қоидаларнинг аҳамиятини тушунириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва уларни қонунга итоаткор фуқаро сифатида камол топишга руҳлантиришдан иборат бўлди.

Семинарда ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам иштирок этди. Ёшлар дунёқараши ва ёшига мос мавзуларда тарбиявий дарслар ташкил этишди. Мен раҳбарлик қиладиган



4-синф ўқувчиларида “Мактабдаги интизом ҳамда қоидаларга риоя этиш” мавзуида очиқ тарбиявий соат ўтказилди. Дарсда мактаб ички тартиби қоидаларига амал қилиши зарурлиги айтилиб, интизомли ва масъулиятли инсон ҳаётда доим муваффақиятга эришиши мумкинлиги хусусида фикрлар билдирилди. Ўқувчилар дарсда фаол иштирок этиб, дарсда келтирилган ми-

солларнинг муҳим жиҳатлари юзасидан мулоҳазаларини ўртоқлашишди.

Шунингдек, семинар доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари ҳам муҳокама қилиниб, болаларнинг бу борадаги фикрларини эркин ифодалашди. Кўча тасомларининг болалар соғлигига салбий таъсири ҳақидаги мулоҳазалари ҳам юзага чиқди.

Дарс якунида ўқувчилар порлоқ келажакка олиб бо-

рувчи йўл айнан бугунги эзгу одат, интизом ва масъулиятдан бошланишини англаб, “доим фойдали уч жиҳат” усулини ҳаётга татбиқ этиш муҳимлигига ишонч ҳосил қилишди.

Дилафрўз РАШИДОВА,
11-сонли “Ақын-тума” умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.
Кентов шаҳри.

»» Тўйхат ўрнида

Заҳматқаш қаламқаш

Таниқли ижодкор, ҳамюртимиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Баҳодир Оташ (Муталов) шу кунларда 60 ёшини қарши олмақда.

Баҳодир Убайдулло ўғли 1965 йил 22 ноябрда Сайрам туманидаги Кўлкент қишлоғида педагог оиласида таваллуд топган. У ўрта мактабни, сўнг Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли тиббиёт билим юртини тамомлади. 1985 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, Шимкент шаҳар 6-сонли тез тиббий ёрдам шифохонасида фельдшер сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Лекин 2011 йили соғлиги туфайли ишдан бўшади ҳамда “Жамият ва маърифат”, “Сайрам сабоси” газеталарида мусахҳих, муҳаррир вазифаларида хизмат қилди.

Баҳодир адабиётга болалагидан қизиқиб, илк шеърлари туман ва вилоят даврий нашрларида чоп этилди. Дарҳақиқат, шоирнинг кейинги ижодий фаолияти “Чашма” ижодий уюшмаси билан чамбарчас боғланди. Вақт ўтиб ижоди чархланди ва камол топди, “Сайрам талантилари”, “Назм юлдузлари” ва бошқа мушои-

ра-танловларда иштирок этди ва бир неча бор ғолиб бўлди. Таъкидлаш жоизки, ижодкор 2003 йили нашр қилинган “Талаба кундалиги” илк тўплами орқали адабиёт мухлисларининг эътиборини қозонди. Шунингдек, турли йилларда “Қанат қақты”, “Чашма гулдастаси”, “Чашма мавжлари”, “Чашма чамани” каби жамоавий тўпламларда унинг шеърлари чоп этилган.

Баҳодир Оташ анча йиллардан буён Ўзбекистондаги нашрлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, “Муштум” журналида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида мақолалари, таржималари эълон қилинган.

Баҳодирнинг ижоддаги ютуқлари аллақачон эътироф топган. У “Арғумоқ” адабий мукофоти, “Жамоат фидойиси”, “Сайрам туман ўзбек этномаданият марказига – 25 йил” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Баҳодир Оташнинг маълум муддат “Ижодкор” адабий бир-

лашмасини бошқариб, айниқса, хориждаги шоир-ёзувчилар билан ижодий алоқаларни мустақамлашда жонбозлик кўрсатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, у 2022 йили Ўзбекистонда нашр қилинган “Туркий адабиёт жавоҳирлари” 100 жилдлиги учун қозоқ адабиёти вакиллари асарларини ўзбек тилига ўгиришда жонбозлик кўрсатди.

Айниқса, жорий йил Баҳодир учун сермахсул келди. Йил бошида Уралхан Бўкей, Қуаниш Жиенбай, Баян Тленшина, Ермахан Шайқули ва бошқа бирқанча таниқли қозоқ ижодкорларининг асарларини таржима қилиб, нашрга тайёрлади. Шунингдек, яқинда Тошкент шаҳрида чоп этилган М. Байғутнинг “Ким ошди савдоси” китобида бир нечта таржималари билан иштирок этди. Қувонарлиси, Қозоғистондаги ўзбек адабий мухитини ривожлантириш ҳамда таржимонлик соҳасидаги самарали фаолияти эътиборга олиниб, у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.



Баҳодир Убайдулло ўғли ҳамон қизгин ижод билан банд. Шу кунларда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси А. Пратов билан ҳамкорликда тайёрлаган “Манкент тарихи” китобини нашр қилиш тараддудида юрибди.

Заҳматқаш қаламқаш, иқтидорли шоир ва таржимон Баҳодир Убайдулло ўғлини 60 ёши билан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, юксак ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Зокиржон МҲМИНЖОНОВ,
Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси,
“Ижодкор” адабий бирлашмасининг раиси.

»» Топиб, ўқинг!

БЕБАҲО МЕРОС

Таниқли тарихчи олим, “Турон” фанлар академиясининг академиги Мираҳмад Мирхолдоров таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Шимкент шаҳридаги “ЖК Лесов” наشريётида “Бебаҳо мерос” (Танланган асарлар) китоби нашр қилинди. Унга тарихчи олимнинг турли йилларда ёзилган “Сайрамның қысқаша тарихы”, “Сайрам тарихи”, “Хожа Аҳмад Яссавий”, “Чимкент тарихи”, “Юртимиз азизлари”, “Жануб ривоятлари”, “Ҳазрат Хожа Аҳмад юртида”, “Сайрамлик авлиё, фузало ва бузурглар”, “Юртимиз топонимикаси” каби асарлари киритилди.

Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги илмий-жамоатчилик кенгаши аъзоларининг саяй-ҳаракати билан нашрдан чиққан китобга педагогика фанлари доктори, М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети профессори Неъматжон Алметов сўзбоши ёзган.

Мазкур нашрга Бадриддин Нишонкулов, Аббосхон Қодиоров, Ихтиёр Режабалиев, Шухрат Сидиқметов, Фарҳод Эшметов, Миролим Мирсолиев, Баҳодир Нуралиев, Ашурмат Назарметов, Нодирхон Саидхўжаев, Зариббой Ҳавазметов, Шавкат Ортиқметов, Сарвархон Қодиоров каби маънавият фидойилари ҳомийлик қилишди.

Китобни нашрга тайёрлашда, шунингдек, олимнинг фарзандлари – Миролим, Мираҳмад, Мирмуҳсин, Мирёқуб, Мирқосим, Мирсултон, Нафиса, Гулшод Мирхолдоровалар ҳамда набиралари – Иззатилло ва Тоҳирхон Тожионов, Маҳмуджон Расулметовлар жонбозлик кўрсатишди.

Ҳаёти давомида 40дан зиёд китоби нашр этилган Мираҳмад Мирхолдор ўғлининг тарихий мероси кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шу боис келгусида ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилади.

Эслатиб ўтамиз, М. Мирхолдоровнинг ижодий меросига бағишланган “Шимкент ва Сайрам тарихини ўрганиш: тарихчиларнинг Янги Қозоғистоннинг маънавий-маданий ривожланишига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман жорий йил 29 ноябрда Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида соат 11-00да ўтади. Барча қизиқувчиларни таклиф этамиз.

3. МҲМИНЖОНОВ.

БОШ ПРОКУРАТУРА ОГОҲЛАНТИРАДИ

**ИНТЕРНЕТДАГИ
ТОВЛАМАЧИЛИКНИНГ
БОШҚА БИР ХАВФЛИ
ТУРИ ТАРҚАЛМОҚДА**



Zakon.kz. Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ҳуқуқий статистика ва махсус ҳисоблар кўмитасининг Жиноят таҳдидлари ва жамоат хавфсизлиги хатарларини башорат қилиш маркази iPhone соҳибларига нисбатан интернет фирибгарлиги таҳдиди ҳақида огоҳлантиради.

Фирибгарлар Apple номидан SMS-хабарлар йўллаб, уларга бир ҳавола очишни таклиф қилади. Унга қирган фойдаланувчи Apple ID логин-паролини ўз қўли билан фирибгарларга топшириб қўяётганини сезмай қолади.

Мутасаддилар фуқароларни огоҳлантирмоқда:

- * Шубҳали ҳаволаларни очманг;
- * SIM-картангизни PIN-код билан ҳимояланг;
- * Қўрилма ҳолатини фақат iCloud.com/finn орқали текширинг.

Шунингдек, ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходими сифатида кўрсатиб, фуқароларни алдаб, тузоғига илтиришга уринишлар кўпаймоқда.

Маълум қилинишича, фирибгарлар фуқароларга қўнғироқ қилиб, уларнинг банк ҳисобларида «шубҳали операциялар» аниқланганини, ёки гўёки олиб борилаётган тергов ишига алоқадорликлари ҳақида хабар беришади. Айрим ҳолатларда, ҳатто миллий хавфсизликка таҳдид ҳақида гапириб, фуқароларни террорчиликнинг олдини олиш учун шошилиш ҳаракати қилишга ундашади.

Фирибгарлар ўз сўзларини «исботлаш» мақсадида мессенжерлар орқали сохта хизмат гувоҳномаларини кўрсатишади ёки Бош прокуратура логотипи тасвирланган сохта ҳужжатларни юборишади. Улар фуқароларни пули «хавф остида» эканига ишонтирар экан, маблағни «хавфсиз ҳисоб-рақамга» ўтказишни ёки гўё текшириш мақсадида қарз олишни таклиф қилишади.

Бош прокуратура фуқароларни расман огоҳлантиради: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳеч қачон телефон орқали сизнинг банк ҳисоб-рақамларингизга дахл қилмайди. Агар сиз шундай қўнғироқни ёки шубҳали таклифни қабул қилган бўлсангиз, зудлик билан полиция идораларига мурожаат қилишингиз зарур.

**Қозоғистон Республикаси
Бош Прокуратурасининг матбуот хизмати.**

Бюроғим
2013.

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 10300 нуска.

Набатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР – МАКТАБ ФАХРИ

ҚР Туризм ва спорт вазирлиги қошидаги Спорт ва Жисмоний тарбия ишлари кўмитаси томонидан ташкил этилган волейбол бўйича 2013-2014 йилда туғилган ўғил болалар ўртасида кузги чемпионат ўтди.

Нуфузли беллашувда Озодлик қишлоғидаги А. Навоий номли мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этди. Мактаб шарофиди Жасур Эралиев ҳамда Камол Суннатиллаев ҳимоя қилишди. Улар вилоят терма жамоаси таркибида барча ўйинларда маҳорат ва куч-ғайратини кўрсатишди. Терма жамоа чемпионатнинг ҳал қилувчи беллашувларида ҳам кучли рақиблар билан майдонга чиқиб, умумжамоавий ҳисобда 1-ўринни қўлга киритди.

– Ёш спортчиларимиз бу

ютуғи билан ота-онаси ва устозлари обрўсини ошириб, мактаб шаънини ҳам кўкка кўтаришди, – дейди А. Навоий номли мактабнинг директори Ғани Буртаев. – Улар спортга қизиқиши билан мақсад сари дадил қадам ташлашаётганликларини яна бир қарра исботлашди.

Ғолибларимиз биз учун фахр. Келгуси мусобақаларда ҳам шундай ажойиб натижалар билан қувонтираверишсин!

М. САЪДУЛЛАЕВА.



ХУЛҚ ВА ОДОБ: БАХТЛИ ҲАЁТ КАЛИТИ

**Инсонни инсон қиладиган
икки жиҳат бор – хулқ ва одоб.
Бу икки фазилат бор жойда тинчлик,
муҳаббат ва барака бўлади**

Қадимда бир қози яшаган экан, унинг каттагина анор боғи бўлиб, у ҳар йили ҳосил бераркан. Кўнларнинг бирида қозининг уйига меҳмонлар келишибди. Қози хизматкориға:

– Бор, боғдан энг ширин анорларни узиб кел, – дебди.

Ёш хизматкор бир лаган анор олиб келибди. Аммо меҳмонлар анорни татиғач, бетларини буриштиришибди. Мевалар жуда нордон чикди. Қози ғазабланиб, анорнинг ширинидан узиб келишини буюради. Хизматкор боққа чиқиб, яна анор узиб келди. Бу сафар ҳам анорлар нордон чиқади. Шунда қози ғазаб билан сўрайди.

– Наҳотки шунча йил боғда ишлаб, қайси анор ширин, қайси анор нордон эканлигини билмайсан?

Хизматкор тавозе билан жавоб беради:

– Хожам, сиз менга анорларни парвариш қилишни буюргансиз, еб кўришни эмас.

Бу жавоб қозига қаттиқ таъсир қилади. “Бу йигитнинг қалби пок, нияти соф экан”, деб ўйлайди у.

Кўп ўтмай қизини ўша хизматкорга турмушга беради. Айни шу оиладан кейинчалик буюк олим етишиб чиқади.

Бу ривоят кўпчиликка таниш, аммо маъносини англаганлар кам. Нега қози қизини амалдор бойларга бермасдан, хизматкорга берди?

Негаки, яхши хулқ – инсоннинг

энг катта бойлигидир. Буни қуйидаги воқеа ҳам тасдиқлайди.

Умар р.а. халифаликлари пайтида одамлар қандай яшаётганини билиш мақсадида оддий кийимда кўчаларни айланиб юрар эканлар.

Бир кун у она ва қизининг суҳбатини эшитиб қолади. “Эртага сотадиган сутта сув кўш!”, дейди она. Қиз эса онасига жавоб берди: “Она-жон, ахир Умар р.а. бизларни бундай қилишдан қайтарган-ку!”. Она: “Умар бизни ҳозир кўриб турибди, деб ўйлаяпсаними? Умар ҳозир ухляпти”. Қиз: “Умар кўрмаётган бўлса, Аллоҳ кўрапти. Умар ухляётган бўлса, Аллоҳ ухламапти!”, деди. Эртаси кун Умар р.а. бу қизни ўз ўғлига никоҳлаб беради.

Ҳозирги замонамизда эса совчилардан “Бўлажак куёв қанча маош олади, қаерда ишлайди?” деб сўрашади. Ҳеч ким одобни, хулқи қандай экан? Аллоҳдан кўрқадими? деб сўрамайди. Агар ёшларнинг одоби ва хулқи назарга олиниб, қиз танлаш ёки куёв танлаш бўлганида, кўплаб оилалар мустаҳкам бўларди. Хулоса ўзингиздан...

Шухрат КҲЧАРОВ,
А. Жомий номли
24-сонли мактаб
ижтимоий муаллими.
Жетисай тумани.

Ҳаётини нақллар

● Муҳими, пойни топиш. Унинг шифобахшилигини эълон қилишни блогерларга қўйиб беринг.

● Бизнинг замонда номинг чиқмаса, ер ўрташининг ҳождати йўқ. Садақа қилишнинг ўзи етарли.

● Ҳамма бу дунёга меҳмон дейишади. У ҳолда меҳмондорчиликда узоқ қолиб кетиш одобдан эмас.

● Айтилган сўз – отилган ўқ. Кимгадир қарата.

● Одамларга ўзингизни тани, дея маслаҳат қилишни бас қилинг. Ўзини танигач, кайфияти тушиб кетмасин.

● Архимед қонуни бўйича кема сувга туширилса, у чўкиб кетмайди. Уни сув кўтариб туради. Жамиятда ҳам шундай. Кема(рақбарлар)ни сув каби бошимизда кўтариб юришимизнинг боиси ҳам Архимеднинг қонуни туфайли.

● Ҳаж сафарига аёл киши бирор маҳрам одамисиз (эри, ака-укаси, хияни ва шу қабилар) юборилмайди. Аёл чет элларга тижорат билан қатнайман, деса, ҳеч ким қарши бўлмайди.

● Осуда ҳаёт – сукут ва нафосат уйғунлигидир. Уни кўз-кўз қилаётганлар эмас, балки ҳаётини сир сақлаб биладиган инсонгина асрай олади.

● Келажакни тарихдан излама. Келажак – қарама-қарши томонда.

● Агар шифокор билан суҳбатдан кейин бемор ўзини енгил ҳис қилмаса, ё шифокор шифокор эмас, ё бемор бемор эмас.

А. АБДУФАТТОҲ.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.		Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ.</i> +7701-610-51-22 <i>Қазигурт – Хуршид КҲЧҚОРОВ.</i> +7701-447-37-42 <i>Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ.</i> +7702-278-96-90 <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА.</i> +7747-144-60-71 <i>Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА.</i> +7701-257-36-97 <i>Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА.</i> +7702-841-78-82 <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ.</i> +7708-824-20-97		Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда баёнларнинг тўғрилиши учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ0022503 гувоҳнома берилган. “ERNURprint” МҲБ босяохонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҲРОНБОЕВ.		МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>		Нашр кўрсатқичи – 65466. Адади – 10300 нуска.	
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		Қозоғистон Республикасида тарқатилади.		Бюроғим 2013.	